

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib 30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХОШИМОВ БОБИР ЛУХМОНОВИЧ

ТАЖРИБАВИЙ ГИПОДИНАМИЯ ВА МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА
МАГИСТРАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Хошимов Бобир Лухмонович

Тажрибавий гиподинамия ва метаболик
синдромда магистрал артерияларнинг
морфологияси.....

3

Хошимов Бобир Лухмонович

Морфологические изменения магистральных
артерий при экспериментальной гиподинамии
и метаболическом синдроме.....

29

Khoshimov Bobir Lukhmonovich

Morphological changes of trunk arteries
in experimental hypodynamik and metabolic syndrome.....

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

60

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib 30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХОШИМОВ БОБИР ЛУХМОНОВИЧ

ТАЖРИБАВИЙ ГИПОДИНАМИЯ ВА МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА
МАГИСТРАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/Tib1116 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Сайёра Мухаммадовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбанов Саид Сафарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Карабук давлат университети (Туркия)


Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «18» декабр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-кават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1888 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-кават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «16» декабр да куни тарқатилди.
(2024 йил «16» декабр даги 68 рақамли реестр баённомаси).




Г.Н. Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.Ш.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Р.Дж.Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг қарийиб 60% да соғлом ҳаёт тарзини олиб бориш учун жисмоний фаоллик меъёрдан паст. Камҳаракатлилик оқибатидан келиб чиқадиган ҳаёт тарзи натижасида 1,9 млн инсонда ўлим кузатилиши илмий нашрларда келтирилган. Жисмоний фаолликнинг пасайиши организмдаги барча моддалар алмашинувини меъёрдан силжишига олиб келади. Вакт ўтиши билан юрак қон томир, нафас олиши, таянч-ҳаракат ва эндокрин тизими аъзоларида ўзгаришлар ривожлана бошлайди. Гиподинамия ривожланиши метаболик синдромга сабаб бўлиши кўп адабиётларда келтирилган. Метаболик синдром бу бир қанча метаболик бузилишларга олиб келиб, улар юрак қон томир патологиялари ва қандли диабет ривожланиш хавфини оширади. Метаболик синдром патогенезида мураккаб бир неча хил механизмларни қамраб, кўп ечилмаган муаммоларни ўз ичига олади. Қон-томирларнинг диаметри кичрайганида қон оқимининг тезлиги ҳам пасаяди. Артериал қон айланиш тизимида умумий қон ҳажмининг 10% дан 15% гача миқдори бўлиши тахмин қилинади. Юқори тизимли босим ва паст ҳажмнинг бу хусусияти артериал тизимга хос хусусият ҳисобланади. Танада жойлашган артерияларнинг иккита асосий тури мавжуд: эластик турдаги артериялар ва мушак типдаги артериялар. Мушак туридаги артерияларга елка артерияси, биллак артерияси ва сон артериялар каби анатомик номлар билан аталган артериялар киради. Мушак типдаги артериялар эластик артерияларга қараганда уларнинг оралиқ қаватида кўпроқ силлиқ мушак ҳужайраларидан иборат бўлади. Эластик туридаги артериялар юракка энг яқин бўлган артериялар саналади (аорта ва ўпка артериялари), улар мушак типдаги артерияларга қараганда оралиқ қаватида эластик тўқималарни кўпроқ ўз ичига олади. Эластик типдаги артерияларнинг бу хусусияти юракнинг доимий қисқарувчи (насос) таъсирига қарамай, уларга нисбатан доимий босим градиентини сақланиб қолишга имкон яратади.

Жаҳонда организмда метаболик ўзгаришлар натижасида аъзо ва тизимларда келиб чиқадиган ўзгаришлар, триглециридлар ва холестериннинг таъсири натижасида келиб чиқадиган структуравий, функционал ўзгаришлар, бу ўзгаришларни ривожланиш механизмларини ўрганиш, асоратларини баҳолаш, олдини олишни усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада асосий ўзгаришлар қон томирларда юзага келадиган салбий структуравий ўзгаришлар асосий звенони ташкил қилишини эътиборга олиб, бу ўзгаришлар механизмларини баҳолаш, даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, метаболизм синдроми натижасида келиб чиқадиган асоратларни эрта ташҳислаш, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-

2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда метаболизм ва гиподинамия ҳолатида турли типдаги қон томирларда кузатиладиган ўзгаришлар ва бу ўзгаришлар ривожланишини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Магистрал артерияларнинг кўпгина патологик ҳолатларга жавоб реакцияси умумий кўринишга эга. Магистрал артериялардаги ривожланадиган патологик ҳолатларни эрта босқичларида эндотелийни шикастланиши эгаллайди (Шорманов С.В., David G., Dupcan R.F., 2020). Камҳаракатлилиқ натижасида организмда углеводлар алмашинуви бузилади, сув туз баланси ва оксиллари метаболизми ўзгаради. Гипокинезия оқибатида неврологик бузилишлар ва нерв системасида морфологик қайта шаклланишлар, метаболизмнинг медиаторларининг бузилиши кузатилади. Д.С.Саркисовнинг фикрича гипокинезия функционал регенерация жараёнларининг бузилишига олиб келади, бу эса турли касалликларнинг бошланиши бўлиб ҳисобланади. Бир қатор олимларнинг фикрича артериал томирлар эндотелийсининг шикастланишига жавобан атеросклероз ривожланиши тасдиқланган. Метаболик синдром ва гиподинамия оқибатида барча қон томирлардагидек магистрал артерияларда ҳам атеросклероз ривожланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифи бўйича, атеросклероз – бу артерия интимаси ҳар хил турдаги ўзгаришлари ривожланиши бўлиб, ёғлар, мураккаб углеводлар, оксиллар, қон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

компонентлари тўпланиши, фиброз тўқиманинг ўсиши, оҳакланиш ривожланиши ва ўрта қават тўқимасининг ўзгариши давом этадиган жараён ҳисобланади (Graven, K.K.). Атеросклерознинг хавфли омиллари сифатида гиперхолестеринемия, артериал гипертензия, қандли диабет, гиподинамия, семириш, чекиш инобатга олинади. Хозирги вақтга келиб атеросклероз ҳақида у мультиомилли касаллик эканлиги ҳақида аниқ тушинча пайдо бўлди, унинг патогенезида томир девори, қон таначалари ва қондаги биологик фаол моддалар ўзаро мураккаб боғланиш пайдо қилиб, қон оқимининг локал бузилиш асосий ўрин эгаллаши тасдиқланди. Эндотелийни шикастловчи омиллар турли-туман бўлиб, улардан асосийси чекиш ва артериал гипертензия натижасида қонда углерод оксиди миқдорининг ошиши ҳисобланади. Жисмоний кам ҳаракатлилиқ гипокоагуляциянинг ривожланиши билан бирга келади, бу реадaptация гиперкоагуляция билан алмашинади. Ривожланаётган бузилишларнинг асоси айнан метаболизмдаги ўзгаришлар бўлиб, улар биринчи навбатда молекуляр даражада намоён бўлади. Гиподинамия фонида юзага келадиган семизлик билан дофамин даражасини пасайиши кузатилади (Л.П.Соков 2005). Атеросклероз патогенезида ёғлар алмашинуви бузилишининг микроэлементлар билан боғлиқлиги ва жараённинг нишони қон томир девори бўлиб, унда ҳар хил патологик омиллар таъсирида метаболизмнинг бузилиши, кимёвий элементлар дисбаланси, кальцийни атеросклеротик пиликчага, яъни тўқима хужайралари ичига жойлашиши, атерокальциноз шаклланиши асосий ўринни эгаллайди (Андреева С.А. 2022, 2023). Аслида, атеросклероз илк даврида томир девори интимаси регенерация ва оксигенацияни тиклашга қаратилган ҳимоя механизмлари етакчилиқ қилади.

Ўзбекистонда гипертония ривожланишида метаболик синдромнинг ўрни (Н.М.Джаббарова, И.Р.Агабабян 2020), соматик касалликлар кечишида метаболик синдромнинг таъсири борасида (З.Ф.Умарова 2022), метаболик синдромда қондаги биокимёвий ўзгаришлар ҳақида (Н.Х.Орипова, У.Х.Каюмова, Г.С.Хамидова 2022) қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, бироқ, метаболизм синдроми ва гиподинамияда магистрал артерияларда юзага келадиган морфологик, морфометрик, ультраструктуравий ўзгаришлар, уларни ривожланиш механизми, бу ўзгаришларни эрта башоратлаш усулини алгоритмини такомиллаштириш бўйича етарлича ўрганилмаган.

Юқорида баён этилганлар, тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда эластик, мушак ва аралаш типдаги артерияларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш ва коррекция қилиш усулини аниқлаш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш учун тадқиқотлар амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ФМ-20230414707 «Қон айланиш касалликлари (уйқу ва ёнбош артериялари атерокальцинози) клиник-биокимёвий ва

патогенетик муаммолари, постковид неврологик, психиатрик, суяк-бўғим асоратларини даволаш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда эластик, мушак ва аралаш типдаги артерияларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш ва коррекция қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалар:

етилган каламушларда эластик, мушак ва аралаш типдаги артерияларнинг морфологик ва морфометрик ўзига хослигини баҳолаш;

тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда эластик, мушак ва аралаш турдаги магистрал артерияларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш;

тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда эластик, мушак ва аралаш турдаги магистрал артерияларнинг иммуногистокимёвий ўзгаришларини баҳолаш;

тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдром моделида магистрал артерияларда келиб чиқадиган морфологик ўзгаришлар механизмини алгоритмини ишлаб чиқиш;

тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдром моделида магистрал артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни топинамбур ёрдамида коррекция қилиш;

олинган морфологик ва морфометрик маълумотлар асосида артерияларда келиб чиқадиган ўзгаришларни эрта прогнозлаш математик моделини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оғирлиги 180-200 грамм бўлган етилган оқ лаборатор каламушларнинг магистрал артериялари: эластик типига мансуб - кўкрак аортаси, аралаш турга мансуб бўлган - уйқу артерияси, мушак типига мансуб артерияни ўрганиш мақсадида - елка артериясидан тўқималар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда метаболик синдром ва гиподинамия ҳолатида магистрал артерияларни ўзгаришини такомиллаштириш учун морфологик, морфометрик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, биокимёвий, трансмиссив электрон микроскопия ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибавий метаболик синдром ва гиподинамия натижасида эластик, аралаш ва мушак типдаги артериялари деворларининг шаклланишида деструктив ва дефрагментатив ўзгаришлари: эластоз, фибросклероз ўчоқлар, эндотелиал ва субэндотелиал қаватларда лимфогистоцитар ўчоқларининг ривожланиши аниқланган;

тажрибавий метаболик синдром ва гиподинамия ҳолатида барча ўрганилган магистрал артерияларнинг склерозланишини белгиловчи интима медиа қалинлигининг ошиши ва атеросклеротик ўзгаришларнинг турли босқичлари: артерияларнинг ички қаватида яллиғланиш белгилари, атеросклеротик пиллакчалар ривожланиши аниқланган;

тажрибавий метаболик синдром ва гиподинамия ҳолатида артерияларда кузатиладиган морфометрик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариши ўртасида мусбат боғлиқлик борлиги аниқланган ҳолда, қондаги қанд миқдорининг ортиши билан артериялардаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг салбий динамикаси асосланган;

пектин ва иннулин полисахаридларининг метаболик синдром ва гипокинезия ҳолатида магистрал артериялар деворларида кузатиладиган атеросклеротик ўзгаришларнинг ривожланишини камайтириш ва олдини олишга таъсири натижасида топинамбур биологик фаол қўшимчасининг ижобий таъсири асосланган;

қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини, артериялар деворининг ўлчамлари ва ўтказувчанлик хусусиятини баҳолаш орқали артерияларнинг морфологик ҳолатини ва атеросклерознинг ривожланиш босқичини эрта башоратловчи, атеросклероз ривожланишининг олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга ёрдам берувчи математик модел дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, биокимёвий, трансмиссив электрон микроскопия ва статистик тадқиқот усуллар асосида метаболизм ва гиподинамия ҳолатидаги организмдаги ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти магистрал артерияларнинг деворининг ривожланиш хусусиятлари, унинг морфологик тузилиши ҳақида маълумот олинганлиги, тажрибавий метаболик синдром ва гиподинамия натижасида магистрал артерияларда келиб чиқадиган атеросклеротик ўзгаришлар, уларнинг ривожланиш босқичлари ва ривожланиш механизмини тушунишда муҳим аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти артериялардаги морфометрик кўрсаткичлар ва биокимёвий кўрсаткичлар ўртасида ўзаро мусбат корреляцион боғлиқлик борлиги, қондаги қанд миқдорининг ортиши билан артериялардаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар ортиб бориши ҳақидаги олинган маълумотлар асосида метаболик синдромда артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни тушунишга ва артерияларда атеросклерознинг босқичини эрта башоратлаш орқали асоратларни олдини олиш имконини имконини берувчи математик модел яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда магистрал артерияларнинг морфологияси бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: тажрибавий метаболик синдром ва гиподинамия натижасида эластик, аралаш ва мушак типдаги артериялари деворларининг шаклланишида деструктив ва дефрагментатив ўзгаришлари: эластоз, фибросклероз ўчоқлар, эндотелиал ва субэндотелиал қаватларда лимфогистоцитар ўчоқларининг ривожланиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/376-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда артерияларнинг морфологик ўзгаришларни эрта башоратлаш усули» ва 2024 йил 22 августда 08-24/375-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда уйқу артериясининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 04.10.2024 йилдаги 42/1-сон, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 05.09.2024 йилдаги 151-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 15.09.2024 йилдаги 122-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* метаболик синдром ва гиподинамия натижасида магистрал артерияларда келиб чиқадиган морфологик, ультраструктуравий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, башоратлаш ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаёди ва даволаш натижалари яхшиланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари метаболизм синдромида магистрал артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни башоратлаш ва самарали профилактика қилиш иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: тажрибавий метаболик синдром ва гиподинамия ҳолатида барча ўрганилган магистрал артерияларнинг склерозланишини белгиловчи интима медиа қалинлигининг ошиши ва атеросклеротик ўзгаришларнинг турли босқичлари: артерияларнинг ички қаватида яллиғланиш белгилари, атеросклеротик пиллакчалар ривожланиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/376-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда артерияларнинг морфологик ўзгаришларни эрта башоратлаш усули» ва 2024 йил 22 августда

08-24/375-t-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда уйқу артериясининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 04.10.2024 йилдаги 42/1-сон, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 05.09.2024 йилдаги 151-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 15.09.2024 йилдаги 122-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* метаболизм ва гиподинамия натижасида магистрал артерияларда келиб чиқадиган морфологик, ультраструктуравий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, прогнозлаш ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаяди ва даволаш натижалари яхшиланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари метаболизм синдромида магистрал артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни башоратлаш ва самарали профилактика қилиш иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: тажрибавий метаболик синдром ва гипокинезия ҳолатида артерияларда кузатиладиган морфометрик ва биокимевий кўрсаткичларнинг ўзгариши ўртасида мусбат боғлиқлик борлиги аниқланган ҳолда, қондаги қанд миқдорининг ортиши билан артериялардаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг салбий динамикаси асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/376-t-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда артерияларнинг морфологик ўзгаришларни эрта башоратлаш усули» ва 2024 йил 22 августда 08-24/375-t-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда уйқу артериясининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 04.10.2024 йилдаги 42/1-сон, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 05.09.2024 йилдаги 151-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 15.09.2024 йилдаги 122-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* метаболик синдром ва гиподинамия натижасида магистрал артерияларда келиб чиқадиган морфологик, ультраструктуравий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, олдини

олиш, прогнозлаш ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаяди ва даволаш натижалари яхшиланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари метаболизм синдромида магистрал артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни башоратлаш ва самарали профилактика қилиш иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: пектин ва иннулин полисахаридларининг метаболик синдром ва гипокинезия ҳолатида магистрал артериялар деворларида кузатиладиган атеросклеротик ўзгаришларнинг ривожланишини камайтириш ва олдини олишга таъсири натижасида топинамбур биологик фаол қўшимчасининг ижобий таъсири асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/376-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда артерияларнинг морфологик ўзгаришларни эрта башоратлаш усули» ва 2024 йил 22 августда 08-24/375-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда уйқу артериясининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 04.10.2024 йилдаги 42/1-сон, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 05.09.2024 йилдаги 151-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 15.09.2024 йилдаги 122-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* метаболизм ва гиподинамия натижасида магистрал артерияларда келиб чиқадиган морфологик, ультраструктуравий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, прогнозлаш ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаяди ва даволаш натижалари яхшиланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари метаболизм синдромида магистрал артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни башоратлаш ва самарали профилактика қилиш иқтисод қилинади;

бешинчи илмий янгилик: қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини, артериялар деворининг ўлчамлари ва ўтказувчанлик хусусиятини баҳолаш орқали артерияларнинг морфологик ҳолатини ва атеросклерознинг ривожланиш босқичини эрта башоратловчи, атеросклероз ривожланишининг олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга ёрдам берувчи математик модел дастури ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 22 августда 08-24/376-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда артерияларнинг морфологик ўзгаришларни эрта башоратлаш усули» ва 2024 йил 22 августда 08-24/375-т-сон билан тасдиқланган «Метаболик синдромда уйқу артериясининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика патологик анатомия маркази бўйича 04.10.2024 йилдаги 42/1-сон, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 05.09.2024 йилдаги 151-сон ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 15.09.2024 йилдаги 122-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* метаболизм ва гиподинамия натижасида магистрал артерияларда келиб чиқадиган морфологик, ультраструктуравий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, прогнозлаш ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаяди ва даволаш натижалари яхшиланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида олинган маълумотлар метаболик синдром туфайли магистрал артерияларда кузатилиши мумкин бўлган морфологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* мазкур касалликни шифохона шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари метаболизм синдромида магистрал артерияларда кузатиладиган морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни башоратлаш ва самарали профилактика қилиш иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифига бағишланган, унинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Артериал қон томирларнинг морфологияси ва уларнинг ташқи омиллар таъсирида ўзгаришлари ҳақида замонавий талқинлар»** деб номланган биринчи бобида мавзуни асослашда хорижий ва маҳаллий адабиётларни таҳлил қилган. Бу бобда эластик, мушак ва аралаш типдаги айрим артериал томирларнинг морфологик ва морфометрик ўзига хослиги, тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда эластик, мушак ва аралаш типдаги артериялардаги морфологик ва морфометрик ҳолатлар, магистрал артериялар деворининг бириктирувчи тўқима доирасидаги ўзгаришларни ҳақида маълумотлар келтирилган. Мазкур муаммонинг ўз ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Магистрал артерияларда гиподинамия ва метаболик синдром моделини ўрганиш материал ва тадқиқот усуллариининг тавсифи»** деб номланган иккинчи боб материал ва тадқиқот усуллариининг баёнига бағишланган. Мазкур тадқиқот диссертация иши 2021-2024 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси ва Тошкент тиббиёт академияси вивариясида амалга оширилган. Хайвонларда ўтказилган тажрибаларда тадқиқот натижаларини одамларга экстраполяция қилиш зарурати узоқ вақтдан бери мавжуд. Чунки умумий биологик ва тиббиётга оид тажрибалар тўғридан-тўғри одамларда ўтказилмайди. Кўплаб тадқиқотлар майда ўлчамли сут эмизувчилар устида олиб борилади. Асосан бу хайвонлар лаборатория оқ каламушларидир, чунки уларни сақлаш шароти қулайроқ ҳисобланади. Шу билан бирга каламушларда тез кўпайтириш имконияти мавжуд.

Морфологик тадқиқотлар Республика патологик анатомия маркази лабораториясида ўтказилган. Метаболизм синдромини ташхислаш мақсадида ўтказилган биокимевий таҳлиллар ТТА марказий лабораториясида ўтказилди. Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш, ҳамда вазифаларни бажариш учун тадқиқотнинг материали сифатида тана оғирлиги 180-200 грамм бўлган 290 та етилган оқ лаборатор каламушлардан фойдаланилган. Ушбу хайвонларда ўтказилган тажриба тадқиқот - ахлоқ қўмитаси томонидан

белгилаган қоидлар асосида олиб борилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этика қумитасининг 1/9-1854 сонли қарори).

Диссертация ишида морфологик, морфометрик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, биокимёвий, трансмиссив электрон микроскопия ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди. Морфометрик текширувларни ўтказиш учун NanoZoomer Hamamatsu сканери ва конфокал мултиплексли морфометрик компьютер дастуридан фойдаланилди. Тажрибавий гиподинамия ва тажрибавий метаболизм моделини яратиш мақсадида тажриба учун олинган оқ қаламушлар, 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб, бунда 100 та соғлом қаламушлар олинди. Назорат гуруҳидаги қаламушларга доимий равишда анъанавий лаборатория шароитида озиқа бериб борилди, қаламушларга овқат ва сувга талаб эркин ҳолда сақланди. Иккинчи гуруҳда 120 та тажрибавий гиподинамия (Копать А.Е., Лелевич В.В. усулида) ва метаболик синдром (Бирулина Ю. Г., Иванов В. В. усулида) модели чақирилди. Гиподинамия моделини яратиш учун махсус қафас пеналларида фойдаланилди. Бунда қафасларнинг майдони 150 см^2 дан кам бўлмаган жойда сақланди. Соғлом қаламушлар, юқумли ва соматик касаллик белгилари инкор қилинган, махсус қафасга жойлаштирилди ва уларга ёғ ва углеводга бой овқат рациони бериб борилди. Қаламушларнинг овқат рационини 60% лаборатория озуқаси, 20% қўй ёғи, 20% фруктоза ташкил қилди. Ичимлик сувини ўрнига фруктозанинг 20%лик эритмаси берилади. Тажрибадан 30, 60 ва 90 кун ўтиб қаламушлар жонсизлантирилди.

Учинчи гуруҳда 70 та қаламушда гиподинамия ва метаболик синдром моделини чақирилагандан кейин, тажрибанинг 30 кунидан бошлаб, антиоксидант ва метаболик бузилишларни коррекцияси сифатида топинамбур Даникафарм (0,5) таблеткаси 2 маҳал ҳар куни сувда эритиб ўмров ости катетери орқали оғиз орқали меъдага юборилди.

Халқаро Диабетик Федерация маълумотларига кўра, қуйидаги омиллардан иккитаси абдоминал семизлик билан кечган ҳолатларда метаболик синдром ташҳиси қўйиш мумкин: гипергликемия, триглицеридлар кўрсаткичининг ошиши, липопротеидлар, артериал гипертензия. Тажриба гуруҳидаги қаламушларнинг тана вазни назорат гуруҳидагига қараганда 20% дан, қондаги қанд миқдори 6,7 ммоль/лдан, А/Д 165/50 мм симоб устидан юқори бўлганида метаболик синдром ташҳиси қўйилади. Қонда паст ва юқори зичликдаги липопротеинлар, глюкоза, холестерин, ТГ миқдорини аниқладик ва қаламушларнинг тана вазнини кузатиб бордик.

Умумгистологик усул: гистологик препаратлар гематоксилин эозинда бўялди; бириктирувчи тўқима толаларни аниқлаш мақсадида Ван Гизон, орсеин кўки, Шик усулларида фойдаланилди.

Морфометрик усул: артерияларнинг ички, ўрта ва ташқи қавати (мкм), интима-медия комплекси қалинлиги ($\text{ИМК} \geq 30\text{ мкм}$), силлиқ хужайрали мушаклар сони, эластик мембрананинг қалинлиги, мембраналараро оралиқнинг қалинлиги, артерияларнинг ўтказиш хусусиятини баҳолашда Вогерворд индекси $W = S_{\text{кўндаланг кесими}} / S_{\text{ид}}$ ва Керноган индекслари $K = h/r$

аниқланди. Морфометрик текширувларни ўтказиш учун Г.Г.Автандилов усули ва NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Hamamatsu (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) морфометрик компьютер дастуридан фойдаланилди.

Биокимёвий усул: (Қонда глюкоза миқдори, инсулин, умумий холестерол, паст ва юқори зичликдаги липопротеинлар аниқланди);


Трансмиссив электрон микроскопия усулида: артерияларнинг ултраструктуравий тузилиш ўрганилди;

Иммуногистохимёвий усул: магистрал артерияларнинг эндотелий VEGFA-A, CD 31 (PECAM-1) ва CD-34 маркерларидан фойдаланилди. Олинган натижалар ALLRED методикаси бўйича баҳоланди. Тизим ҳужайраларнинг неча фоизи рецепторлари учун ижобий эканлигини ва рецепторларнинг бўялганидан кейин қанчалик яхши пайдо бўлишини кўриб чиқади. Кейин бу маълумотлар 1 дан 3 гача бўлган шкала бўйича намунани баҳолаш учун бирлаштирилади. Бунда минимал балл 0 (негатив), 1 балл (паст позитив 10-30%), 2 балл (ўрта позитив 30-60%), 3 балл (юқори позитив 60-100%).

Олинган маълумотлар Microsoft Excel 2010 нинг статистик бўлимида ўртача арифметик $M_{\text{ни}}$, нисбий ўлчамларни ўртача хатолиги m ва аниқлилик коэффициент t аниқланди. Гистологик препаратлардан микросуратлар CX40 моделидаги OD400 камерали микроскоп ёрдамида суратга олинди.


Диссертациянинг «**Магистрал артерияларнинг морфологик ва морфометрик тузилиши**» деб номланган учинчи боб, бир нечта кичик бўлимлардан иборат бўлиб, бу бобда назорат ва тажриба гуруҳидаги лаборатор ҳайвонларнинг жисмоний ривожланиши, назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларнинг магистрал артерияларининг морфологияси ва морфометриясига таалукли маълумотлар ёритилган. Хусусий бобнинг биринчи бўлими назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларнинг қонидаги биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришларига бағишланган. Ҳаракати чекланган каламушлар тажрибанинг биринчи 10 кунлик даврида овқат ва сув истеъмол қилиши камайди, кейинги кунларда эса камҳаракатликга мослашиб, ўзини хотиржам тутиб, овқатланиши ва сув истеъмол қилиши фаоллашди. Тадқиқот давомида тажриба гуруҳидаги каламушларнинг тана вазни орта бошлади (1-расмга қаранг).

Тажрибанинг 21 кунига келиб тажриба гуруҳидаги каламушларнинг тана вазнининг назорат гуруҳидагига қараганда 24%га, 30 кунда 40%га, 60 ва 90 кунларда эса назорат гуруҳидагига қараганда ишончли ($P < 0,05$) 52-54% га кўп эканлигини аниқланди. 2-тажриба гуруҳидаги каламушларда, яъни каламушларда кузатилган метаболик бузилишларни топинамбур ёрдамида коррекция қилинган гуруҳда каламушларнинг тана вазнининг назорат гуруҳидаги қараганда 21 кунда 5% га, 30, 60 ва 90 кунлари эса 14-16%га ошиши кузатилган.



1-расм. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларнинг тана вазнининг динамикаси.


Каламушларда метаболик синдром моделини асослаш ва гликемик ҳолатини аниқлаш мақсадида тажрибанинг турли кунларида каламушларнинг қонида қанд миқдори кузатиб борилди. Каламушларнинг қонидаги қанд кўрсаткичлари тажрибанинг 21-чи куниданоқ ошиш ва тажрибанинг охиригача юқори кўрсаткичга эга бўлди ва тажрибанинг 90 кунда 12,4 ммоль/л гача кўтарилди. Тажрибанинг 2-гуруҳида, яъни топинамбур билан коррекция қилинганида қондаги қанд миқдори назорат гуруҳига яқинлашганлиги кўринди (2-расмга қаранг).



2-расм. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларнинг қонидаги қанд миқдорининг динамикаси.

Қондаги паст ва юқори зичликдаги липопротеинларнинг миқдори ўрганилганида тажрибанинг 30 кунда зичлиги юқори липопротеинларни миқдори назорат гуруҳидагига қараганда ($P < 0,05$) ишончсиз ошиши, тажрибанинг кейинги кунларида эса назорат гуруҳидагига қараганда

пасайиши кузатилди. Зичлиги паст липопротеинларнинг қондаги миқдори эса тажрибанинг барча кунларида ошиши кузатилди (3-расмга қаранг).




3-расм. Тажриба ва назорат гуруҳидаги қондаги зичлиги паст ва юқори липопротеинлар кўрсаткичларининг динамикаси.


Учинчи бобнинг кейинги кичик бўлими, назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларнинг магистрал артерияларининг морфологик ва морфометрик маълумотларига бағишланган. Кўкрак аортасининг асосини эластик каркас ташкил қилади. Бу учта артериянинг қўндаланг кесимида деворининг учта қисми: ички, ўрта ва ташқи деворларини кўриш мумкин. Бу артерияларнинг ички қавати эндотелиоцитлардан ташкил топган, эндотелиоцитларнинг ядроларининг шакли овалсимон шаклда бир бири билан турли узоқликда жойлашганлигини кўриш мумкин. Эндотелиоцитлар қон томир деворининг ўқиға перпендикуляр йўналганлигини кўриш мумкин. Ўрта қавати силлиқ ҳужайрали мушакдан ташкил топган бўлиб, уларни орасида коллаген толалардан ташкил топган бўлиб, улар циркуляр йўналган. Бу силлиқ ҳужайрали мушаклар эластик мембранларнинг орасида қатор бўлиб жойлашади. Ташқи қавати ўрта қаватдан ташқи эластик мембрана билан ажралиб туради. Ташқи қаватида қон томирлар аниқланди.

Тажриба гуруҳидаги каламушларнинг магистрал артериялари гистологик тузилиши ўрганилганда тажрибанинг 30 кундан бошлаб, факатгина уйқу артерияси деворида баъзи қисмларида эластик мембрананинг бурмалари орасидаги масофанинг ошганлиги қайд қилинди (4-расмга қаранг), ўрта қаватда эластик мембрана нозиклашган. Тажрибанинг бу даврида аорта ва елка артерияси деворида яққол ўзгаришлар аниқланмади. 60 кунга келиб биз ўрганган барча артерияларда ички мембрана жойларда силлиқлашганлиги, бир биридан турли узоқликда жойлашганлиги аниқланди. Ўрта қаватда жойлашган эластик мембрананинг баъзи жойларда титилиши ва нотекис тўғирланиши аниқланди. Ташқи эластик мембрананинг бурмалари назорат гуруҳиникига қараганда текислашиши кузатилди. Ташқи қаватда жойлашган капиллярлар тўлақонлиги аниқланди. Ўрта қаватнинг ички эластик мембранага тегиб турган ички қисмидаги баъзи миоцитлар ички

эластик мембраннинг бурмалари орасида жойлашиб, уларнинг ядролари бир бирига жуда ҳам яқин жойлашади.



4-расм. Ўрта қавати бир хил кўринишдаги мушак ва толали кўринишда бўлиб, ораликда интерстициал шишлар аниқланади, Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20х10.



5-расм. 60 кунлик тажриба гуруҳидаги каламуш уйқу артериясининг гистологик кўриниши. Бўялиши: гематоксилін-эозин. X: 10х40.

Силлиқ мушакли хужайраларнинг ва эластик мембрананинг орасидаги эластик толаларнинг деформацияси аниқланди. Ўрта қаватнинг ташқи толаларида коллаген толаларнинг дастасининг қалинлашиши кузатилди. 60 кунга келиб, барча магистрал артерияларнинг ўрта қаватида лимфогистоцитар шиш кузатилди (5-расм расмга қаранг). Ташқи эластик мембрананинг бурмалари назорат гуруҳиникига қараганда текислашиши кузатилди. Ташқи қаватда жойлашган капиллярлар тўлақонлиги аниқланди. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, тажрибавий гиподинамия ва метаболик синдромда кўкрак аортасининг деворининг барча қаватида ўзгаришлар кузатилади, лекин ишончли ўзгаришлар ўрта ва ички қаватида кузатилди. Айнан, биз томондан ўрганилаётган тажриба жараёнида, 90 кун давомида гиподинамия ва метаболизм чақирилган каламушлар қон томирида, юқори молекуляр полимерлардан бўлган мукополисахаридларнинг нордон табиатли турларини тўпланиши ва томир деворидаги эластик толаларнинг шикастланиши ва бўкиши кўринишдаги ўзгаришлар билан намоён бўлиши ишимизнинг мағзини ташкил этиб, тажриба шароитида чақирилган метаболик ўзгаришларда, томирларда ривожланган морфогенетик эластолизни бартараф этиш ва даволанмаганда юзага келадиган оқибатлар ҳақида фикр юритиш имконини беради. Вейгерт усулида бўялган томирларнинг субэндотелиал ва ўрта қаватларидаги эластик толаларнинг ҳар хил қалинликда бўлиши, эластик толаларнинг паралел йўналган толаларининг ўзаро туташган жойларида анастомозли дағал манзара кўринишда ўзгаришлари, баъзи эластик толаларнинг бўкиши оқибатида, толасизланиш эластолиз ўчоқлари ва шу яқин атрофида жойлашган фибробластлар томонидан коллаген толаларининг синтези кучайиши ва эластолизга учраган толаларнинг ён ва шикастланган юзаларига бирикиши оқибатида Х-симон кўшилган ва деформацияланган дағал эластик ва

коллагенлиги мураккаб толаларнинг юзага келиши ва томир деворида микроскопик жихатдан деформацияланган юзаларнинг шаклланиши билан тугалланади. Натижада, эластоз ва эластофиброзга айланган ўчоқларнинг ўзаро комбинациялашган тутамли қалинлашиши натижасида, томирларнинг шу сохаларида стеноз яъни торайиш кўринишдаги ўзгаришларнинг юзага келиши билан якунланди. Олинган натижалар таҳлили тажрибанинг 30 кунда ички эластик мембрананинг қалинлигини 11%дан 34, 7% гача ошиши (1-жадвалга қаранг), 60 кунликда 16% ва тажриба 90 кунга келиб 18% га қалинлашиши аниқланди.

1-жадвал

Кўкрак аортаси деворининг морфометрик кўрсаткичлари			
Гуруҳ	Ички эластик мембрананинг қалинлиги (мкм)	Силлик мушак хужайраларнинг сони (қаторлар)	Ўрта қаватнинг қалинлиги (мкм)
Назорат гуруҳи	3,6±0,2	7,23±0,08	60,6±1,3
30 кунлик тажриба гуруҳи	4,0±0,08	7,4±0,03	65,3±0,3
60 кунлик тажриба гуруҳи	4,18±0,02	7,52±1,2	90,5±0,05*
90 кунлик тажриба гуруҳи	4,25 ±0,06	6,8±0,08	89,5±0,08
Уйқу артерияси деворининг морфометрик кўрсаткичлари			
Гуруҳ	Ички эластик мембрананинг қалинлиги (мкм)	Силлик мушак хужайраларнинг сони (қаторлар)	Ўрта қаватнинг қалинлиги (мкм)
Назорат гуруҳи	2,8±0,02	6,1±0,0	54,3±1,1
30 кунлик тажриба гуруҳи	2,35±0,006	2,8±0,09	50,3±0,7
60 кунлик тажриба гуруҳи	3,02±0,04	2,55±0,11	46,3±0,5
90 кунлик тажриба гуруҳи	3,17±0,04	2,35±0,10	44,7±0,29
Елка артерияси деворининг морфометрик кўрсаткичлари			
Гуруҳ	Ички эластик мембрананинг қалинлиги (мкм)	Силлик мушак хужайраларнинг сони (қаторлар)	Ўрта қаватнинг қалинлиги (мкм)
Назорат гуруҳи	2,1±0,2	6,9±0,08	56,5±1,3
30 кунлик тажриба гуруҳи	2,35±0,006	6,0±0,09	50,3±0,7
60 кунлик тажриба гуруҳи	2,8±0,04	5,5±0,11	54,3±0,5*
90 кунлик тажриба гуруҳи	3,1±0,04*	4,1±0,10	63±0,29*

Изоҳ:* - $p < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан ишончли

Ўрта қаватнинг қалинлигини эса мос равишда 30 кунликда 7%га, 60 кунликда 49 % га, 90 кунликда эса 47% га қалинлашиши кузатилди. Силлик мушак хужайралар қаторининг сонини эса 30 ва 60 кунликда назорат гуруҳидагига нисбатан ишончсиз кўпайиши, тажрибанинг 90 кунга келиб


эса 6 % га камайиши кузатилди. Артериялар кесимининг майдони назорат гуруҳидагига қараганда юқори эканлиги аниқланди, бу кўрсаткич айниқса мушак типигаги артерияда юқори бўлди ва 35%ни ташкил қилди. Шунингдек, интима медиа қаватининг қалинлашиши кузатилди бу артерияларда спазм ҳолати деб баҳоланди. Қон томирлар ўтказувчанлигини кўрсатувчи Вогерворд ва Керноган индекслари назорат гуруҳидаги каламушларда мос равишда 3,4 ва 0,20 га тенг эканлиги аниқланди.

Артерияларнинг ўтказувчанлик ҳолатини белгиловчи Вогенворт ва Керноган индексларининг тажриба гуруҳида назорат гуруҳидагига қараганда юқори эканлиги кузатилди.


Диссертациянинг «**Магистрал артерияларнинг ультраструктуравий тузилиши**» деб номланган тўртинчи бобида тажриба гуруҳидаги каламушларнинг магистрал артерияларининг ультраструктуравий тузилиши ҳақида маълумотлар ёритилган. Тажриба гуруҳидаги каламушларда тажрибанинг 30 куниданоқ десквацияга учраган хужайралар аниқланиб, бу хужайралар ўрнида, эндотелий ости қаватининг шиши аниқланди. Эндотелий қаватнинг кўчган соҳаларида яққол ривожланган деэндотелизация соҳаси ва эндотелий ости соҳасининг шиши кузатилди. Деэндотелизацияланган соҳалар ўсимтали тромбоцитлар, якка якка фибрин иплари ва ёпишган моноцитлар билан қопланган. Шунингдек баъзи соҳаларда буришган эндотелиоцитлар аниқланди (6-расмга қаранг). Деэндотелизацияланган соҳаларда қон оқимиға қарши йўналган эндотелий хужайралар жойлашган. Бу эндотелий хужайралар десквацияланган нуқсонни беркитиш учун тарқалган. Эндотелиал хужайраларнинг цитоплазмасида эркин рибосома ва полисомаларнинг занжир шаклида тўпланиши аниқланди.

Кўпгина эндотелий хужайралар кенгайган. Тажриба гуруҳининг 60 нчи кунига келиб эндотелий хужайраларининг сонини назорат гуруҳидагига қараганда 28,4% га камайиши кузатилди. Эндотелий хужайралар цитоплазманинг базал юзаларида сезиларли кўп микдорда микропиноцитотик пуфакчаларни ўз ичига олган. Баъзи ҳолларда экзоцитоз белгилари қайд этилди. Эндотелиал хужайраларнинг митохондриялари шишган ҳолатда. Кам ҳолатларда вакуолизацияли митохондриялар аниқланади, уларнинг кристалари деструкцияга учраган ва матрикснинг оқариши аниқланди. Баъзи митохондрияларнинг матриксини каттиқлашиши кузатилди. Эндотелиоцитларнинг митохондриялари шишган, вакуолизациялашган, кам сонли кристалари мавжуд. Баъзи митохондрияларнинг яққол шиши ва бўшаши, баъзиларида эса кристаларнинг деструкцияси аниқланди (7-расмга қаранг). Кариолеммада кўпол бўртмалар кузатилди. Перинуклеар соҳада шиш бўлганлиги ҳисобига катталашган. Хроматин деярли бутунлай ядронинг четида тўпланган ёки унинг бир қисми ядро ичидаги бўлақларда тасодифий тақсимланганлиги, ўчоқли шиш аниқланди. Тажрибанинг 30 кунда митохондриянинг морфометрик текширувлари ташқи мембрананинг майдонини назорат гуруҳидаги қараганда 9,4 % га, 60 кунга эса 26,2% га, 90 кунга келиб эса 36%

